
Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков: Ўзбекистон билан яхши қўшничилик муносабатларни сақлашга интиламиз

Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини билдирди ва икки мамлакт ўртасидаги муносабатларни «узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши», дея таърифлади, дея [хабар бермоқда](#) "Газета.uz" нашри.

Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков Ўш вилояти Аравон тумани аҳолиси билан учрашув давомида Ўзбекистон билан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни сақлашга интилишаётганини [айтиб ўтди](#).

Хабарга кўра, қўшни мамлакат президенти Қирғизистон Ўзбекистон билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини билдирилди ва икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни «узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши», дея таърифлади.

«Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши». Қирғиз ва ўзбек халқлари асрлар давомида дўстликда ёнма-ён яшаб келишган. Ота-боболаримиз икки халқнинг бирлигини сақлаб, бир-бирига яқин эдилар. Икки мамлакат нафақат жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин, балки бизда битта тарих, битта дин, битта тил ва ўхшаш урф-одатлар мавжуд", — деди Сооронбай Жеэнбеков.

Президент сўнгги йилларда Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида нафақат савдо-иқтисодий, балки маданий-гуманитар алоқалар ҳам фаол ривожлантираётганини таъкидлади.

«Ўзбекистонда президентликка Шавкат Миромонович Мирзиёев келиши билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик мустаҳкамланди. Биз яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни сақлашга интиламиз, барча муаммоларни ҳал қиламиз, бунинг учун сабр ва вақт керак. Биз фарзандларимиз ва мамлакатимиз келажаги учун қўшни давлатлар билан дўстликни мустаҳкамлаш сиёсатини давом эттирамиз, — деди давлат раҳбари.

Манба ва фото: "Газета.uz"

2020-06-12 17:38:31